

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ТАЪЛИМНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ
ВА УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ:
ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Республика илмий-амалий анжумани
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ

I-ҚИСМ

- демонстрация и объяснение деятельности – в целом по элементам (перевод знаний в умение, т.е. обучение);
- организация отработки умения в упрощенных условиях (закрепление знаний и умений);
- организация самостоятельной практики с непрерывной обратной связью и положительным подкреплением со стороны преподавателя (перевод умения в элементарную квалификацию);
- переход продуктивной, поисковой связи (упражнение на умственное воспитание);
- организация разнообразных проблемных ситуаций – решение нестандартных задач, имитационное моделирование реальности (умственное воспитание и перевод элементарной квалификации в профессиональную);
- обязательный анализ учащихся или студентов своей деятельности, ее обсуждение с преподавателем или группой (шлифование квалификации).

Американский психолог, Келлер Ф.С., предложил вариант педагогической технологии для высших учебных заведений как персонализированную систему обучения.

Основные черты системы Келлера:

- ориентация на полное усвоение содержания учебного материала, включая требования усвоения знаний предыдущего раздела как непереносимое условие перехода к следующему образованию;
- индивидуальная работа учащихся в собственном темпе (перевод знаний в умения);
- использование лекций лишь в целях мотивизации и общей ориентации учащихся (проявление интереса, заострение внимания);
- применение печатных учебных пособий – руководств для изложения учебной информации;
- текущая оценка усвоения материала по разделам ассистентами преподавателя из числа аспирантов студентов, отлично усвоивших курс.

При академии повышения квалификации и профессиональной переподготовки работников образования Министерства общего и профессионального образования Российской Федерации В. Гузеев разработал интегральную педагогическую технологию, основные компоненты которой в общем виде сводятся к следующему:

- представление планируемых результатов обучения в виде многоуровневых систем диагностично и операционально заданных целей для каждого возможного профиля обучения;
- крупная структура образовательного процесса с блоком уроков в качестве минимальной единицы, группирующейся вокруг укрепленных единиц содержания образования;
- групповое обучение с четко построенной динамикой в составе и деятельности групп на основе мониторинга: в успешности процесса каждый следующий шаг проектируется в зависимости от результатов предыдущего;
- компьютерная поддержка обучения и управления образовательными процессами.

Как видно из приведённых примеров, возможны многие варианты технологического подхода к обучению. Это свидетельствует о значительном потенциале педагогической технологии. Знакомство с зарубежным опытом в этой области должно послужить импульсом педагогам высших учебных заведений в освоении и дальнейшей разработке новых подходов к обучению традиций культур и достигнутого уровня образования.

И.ф.д, проф. Д.М.Расулев,

ТДИУ қошидаги Чилонзор иқтисодиёт академик лицейи директори

Чилонзор иқтисодиёт академик лицейида таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш масалалари

Маълумки таълим тизими ихтиёрий давлатнинг инсон ресурслари салоҳиятини акс эттирувчи омилдир. Мустақил Ўзбекистонимиз таълим тизимининг асоси бўлмиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да барча таълим турларининг олдида қўйилган вазифалар вақт кесимида ёритиб берилган. “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да асосий урғу қамров ва таълим кетма-кетлиги, яъни узвийликка берилган. Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида Чилонзор академик лицейида

ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011-2012 академик йилда 300 талаба оналар гувоҳлигида ўқитувчилар томонидан суҳбат асосида Чилонзор академик лицейига қабул қилинди. Аввалги йили 539 битирувчи ўрнига 300 та биринчи курсга талабалар қабул қилиниши ўқув жараёнини бир сменада ташкил қилиш имкониятини берди. Куннинг иккинчи ярмида ўқитувчилар ўз устида ишлаш ва талабалар билан қўшимча дарс ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар. 30 та ўринга эга бўлган 10 аудитория ҳомийлар ҳисобидан харид қилинган 10 та компьютер ва 10 та проекторлар ўрнатилди. Биринчи семестрда ўқитиладиган тўққизта фаннинг ҳаммаси инглиз тилига таржима қилинди ва чоп этилиб талабалар қўлига етказилди. Лицейни номини “Чилонзор академик лицей”дан “Республика иқтисодиёт академик лицейи”га ўзгартириш расмий ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи курс талабалари учун униформа ва логотип ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Оммавий ахборот воситаларида бир неча маротаба чоп этилди ва намойиш қилинди. Лицей ўқитувчилари университет профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда “янги педагогик технологиялар” бўйича малака ошириш ишлари амалга оширилди. Мақола муалифининг фаолияти тўғридан-тўғри ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан боғлиқлиги сабабли ва академик йил давомида кузатишлар. Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг буйруғига асосан академик лицейда жорий этилган баъзи янгилик ва ишлар ушбу фикрларнинг мақола сифатида чоп этилишига асос бўлди. Бу фикрлар қуйидагилардан иборат:

1. *Ахборот технологияларини жорий этиш.* Таълим жараёнига “Microsoft office” дастурларини қўллаш имкониятини берувчи компьютер ва проекторлардан фойдаланишни йўлга қўйиш. Натижада ахборотларни узатиш ва қабул қилиш даражаси 70-80% гача етказилади. Талабалар ўз устида ишлаб, тақдирот қилиш жараёнида ҳам ахборот технологияларини ва фанни ўзлаштиришда ҳам мустақил фаолият юритишади. Ўқитувчилар тайёрланган ўқув материалларини компьютер хотирасида сақлаб талабаларнинг компьютер саводхонлиги ва билим даражасини аниқлаш ва солиштириш имкониятига эга бўладилар. Маъмурият талабанинг билимини ва даволатини назорат қила олади. Ягона тармоққа уланиш эса (LAN) қоғосиз технологияларга ўтиш ва масофавий ўқитишнинг ўзига хос кўринишни ташкил қилишга олиб келади.

2. *Педагогик технологияларни жорий этиш.* Барча таълим муассасаларидаги каби академик лицейда ҳам кадрлар кўнимсизлиги кузатилади. Педагогик технологияларни қўллаш Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган ўқув материалларини мазмунан ва шаклан ягона кўринишга келтиришга ва ўқитувчи алмашган ҳолатда ҳам талабанинг ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатади. Кўпчилик ҳолатларда предмет ўқитувчилари ўқув жараёни билан банд бўлишиб, янги адабиётлардан мутлақо хабарсиз қолишади. Педагогик технологияларни қўллаш жараёнида эса албатта янги адабиётларга мурожаат қилинади ва ҳамкасабалар билан муҳокамалар бўлади. Педагогик технологияларни ўзлаштирган ўқитувчилар аудитория таркибидан келиб чиққан ҳолда қайси методни қайси вақтда ва кимларга қўллаш масаласини мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Бу жараён чексиз бўлиб, доимо ривожланиб такомиллашиб боради.

3. *Таълим стандартларини интеграллашуви.* Академик лицей битирувчилари асосан олий таълим муассасаларига киришга интиладилар. Кузатишлар шуни кўрсатадики, учинчи босқич лицей ўқувчилари физиологик ва ақлий имкониятлари жихатдан уларга тақдирот қилинаётган билимлардан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмайдилар. Бунинг сабабларидан бири 21 аср ахборотлаштириш асрининг таъсири бўлиб ахборот манбааларининг кўплиги ва турли туманлигидир. Уйга бериладиган топшириқлар жумладан, реферат ва тақдиротлар internet орқали тезда топилиб, (баъзида изланган материалдан ҳам бойроқ материал) узоқ муддат излашга зарурият қолмайди. Фикримизча, олий таълим муассасаси биринчи курс ўқув материалларини лицей ишчи дастурларига киритиш ва ўқитувчиларнинг малака оширишини университет ўқитувчи-профессорлари билан биргаликда амалга ошириш ижобий натижа беради. Лицей таълим структураси кафедралардан иборат. Университетнинг йўналиши бўйича ўхшаш кафедра билан ҳамкорлик қилиш таълим жараёнини узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш имконини беради.

4. *Ресурслар.* ТДИУ ахборот тизими шиша толали ўтказгич асосида ташкил этилган ва технологияси жихатидан очиқ бўлиб, лицей худудининг ёнидан ўтган. Университет тармоғига уланиш технологик ва техник жихатдан қийинчилик туғдирмайди. Бу имконият масофадан туриб

ахборот алмашуви, видеоконференциялар, видеодарсликлар, тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш имкониятини яратди. Замонавий жиҳозланган ахборот технологиялари аудиториялари бир вақтнинг ўзида 300 талабага ёки 13 кишилик 25 та гуруҳларга хизмат кўрсата олади. Лицей аудиториялари бундай имкониятга эга эмас. Баъзи дарсларни дарс жадвалини умумий қилиб тузиш ёки иккинчи сменада алоҳида дарсларни ташкил этиш таълим сифатини ошириш имкониятларидан биридир. Университет профессор-ўқитувчилари йиллик юкламаси режалаштирилаётган бир вақтда лицейда (коллежда) олиб борадиган ишлар (ўқув, маънавий ва х.к.) кўрсатилиши зарур. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, университет ўқитувчилари асосий иш фаолиятдан ташқари 0,5 ёки соатбай тартибда лицей (коллежда) иш олиб боришга қизиқишади. Лицейнинг ўзига хос жойлашувидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган фикрларни амалга ошириш муаммо яратмайди.

*Тадқиқотчи Ф.А.Синдарова,
Сергели Политехника КХК*

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш муаммолари ва уларнинг ечимлари

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишига катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да маънавий-ахлоқий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахсни тарбиялашни таъминлайдиган узлуксиз таълим тизимини яратиш кўзда тутилган эди.

Ана шу шакллантирилган узлуксиз таълим тизимида таълимнинг узвийлигини таъминлаш, яъни умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида ўқитилаётган фанлар дастурларидаги такрорланишлар, мазмунан қайтарилишлар кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичини амалга ошириш жараёнида муаммо сифатида яққол намоён бўлди.

Эндиликда бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, на таълим ва на тайёрланаётган кадрлар сифати тўғрисида, ҳатто гапириш ҳам мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун таълим тизимининг барча босқичлари фан дастурлари ўрганиб чиқилди, улардаги қайтарилиш, такрорланиш ва бир хилликлар, ҳатто методологик ёндашувлардаги камчилик ва нуқсонлар ҳам аниқланди, уларнинг ечимлари, янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди.

Бу жараён оптималлаштириш жараёни деб аталди ва ундан мақсад умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим йўналишларида таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, рақобатбардошлиги, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савияси сифатига нисбатан қўйиладиган зарурий талабларни белгилаб берувчи ҳамда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи давлат таълим стандартларини жорий этиш эди.

Оптималлаштириш жараёнининг вазифалари қуйидагича белгиланди:

- узлуксиз таълим йўналишларининг ҳаракатдаги барча фан дастурлари чуқур таҳлил қилиниб, мавзулардаги такрорланиш ва қайтарилган ҳолатларни аниқлаш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликларининг ўқув режаларидаги турдош фанларнинг дастурларини таҳлил қилиш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишларининг барча фанлари дастурларини такомиллаштириш.

Мазкур вазифалар ижроси самарадорлигини ошириш учун ушбу фанлар ўқитилишини таркибий ва методологик жиҳатдан мунтазам равишда такомиллаштириб бориш объектив заруратдир. Жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг чуқурлашиб бораётгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичига ўтилиши олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига муайян ўзгаришлар киритишни тақозо этди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда бир фан доирасида ўқитилаётган мавзунинг қайтарилиши, таклиф этилаётган ўзгартиришлар долзарб эканлигини тасдиқлайди.